

Жамғариб бориладиган пенсия бадалларини киритишчилар Халқ банки филиалига жамғариб бориладиган пенсия тизимида ҳисобга олиш учун зарур маълумотларни тақдим этишлари ҳамда фуқароларнинг шахсига оид маълумотлар билан боғлиқ барча ўзгаришлар (меҳнат шартномаси тузилганлиги ёки бекор қилинганлиги, паспортдаги маълумотлар ҳамда шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларини юритиш учун зарур бошқа маълумотлар ўзгарганлиги) тўғрисида хабар қилишлари шарт.

Иш беришчилар шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига бадалларини ўз вақтида киритишлари ҳамда фуқароларга ҳисоблаб чиқариш ва киритилган жамғариб бориладиган пенсия бадаллари тўғрисидаги маълумотларни уларнинг талабига мувофиқ беришлари шарт.

**“ФУҚАРОЛАРНИНГ ЖАМҒАРИБ БОРИЛАДИГАН ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИ ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚОНУН, 22-МОДДА.**

Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуригимиз бўлсин!

# ИНСОН ва ҚОНУН

№ 28 (483) 2006 йил 18 июль сешанба

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛТИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ХУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

Сотувда эркин нархда

Мустақиллигимизнинг 15 йиллиги олдидан

## ЙЎЛЛАР ВА КЎПРИКЛАР — ОНА ЮРТ КЎРКИ

Яқинда йўловчи машинада водийдан пойтахтга қайтаётган эдик. Қамчиқ довонининг кафтдай текис ва раvon йўлидан «Дамас»ни елдек учириб келаётган ҳайдовчи мамнуният билан шундай деди:

— Агар Марказий Осиёни айланиб чиқсангиз, бизникидай кенг, теп-текис йўллари учратмайсиз. Авваллари мана шу довондан ўтишниги ўзи бир азоб эди. Йўл ҳатари, машиналар турнақатор тизилган, ҳайдовчи сал қалтис ҳаракат қилса, бирор фалокат юз бериши ҳеч гап эмас. Пойтахтга бир келиб кетсак, бир ҳафта чарчоғини чиқарардик. Яна қишда доvon йўли ёпиб қўйилар, узок ва айланма йўллarda сарсон-саргардон бўлар эдик. Ҳозир мен ҳар кунни водий-пойтахт оралигида йўловчиларга хизмат қиламан. Мана шундай раvon йўллари кўриб берган инсонларга раҳмат...



Мана шундай гапларни эшитганда, беихтиёр мамлакатимиздаги ўзгаришлар, кенг ва раvon йўллари, маҳобатли, замонавий кўприклар ҳаёлимиздан ўтади. Амударё узра барпо этилган муҳташам кўприкни, «Навоий-Султон Увайс-Нукус» темир йўлини, «Тошгузар-Бойсун-Кумкўрган» темир йўли қурилишини бир кўз олдингизга келтиринг! Шу муносабат билан қанчадан-қанча янги вокзаллар барпо этилди, инфратузилма шаклланди ва янги-янги иш ўринлари яратилди.

Буюк Ипак йўли ўтган жойларда бугун янги магистрал йўллари, темир йўллари бунёд этилмоқда, турнақатор поездлар ва автомобиллар манзиллимини яқин қилиб қолмай, юртимиз ободлигига, турмушимиз фаровонлигига хизмат қилмоқда.

Йўл очиб, кўприк қургани ҳалқимиз доимо эъзозлаган. Йўл-хаёт манбаи. У вилоятларни, минтақаларни ва кўчаларни бир-бирига чамбарчас боғлаб туради.

Президентимиз Ислам Каримов юрт ободлиги йўлида амалга оширган кенг қўламли ишлардан бири — янги магистрал ва темир йўллари, муваззам кўприклар бунёд этиши, албатта. Бу эзу ишлар, қийинчиликларга қарамай, ўша тўқсонинчи йилларда бошланган, 1992 йилнинг 3 июлида Юртбошимизнинг ташаббуси билан «Автомобил йўллари тўғрисида» қонун қабул қилинди. Уша йили «Боштранслейх» институти «Навоий-Султон Увайс-Нукус» темир йўли лойиҳасини ишлаб чиққан. Пойтахтимизда эса Сағабон, Қорасарой, Гафур Фулом, Форобий каби Эски шаҳарнинг эгри-бугри, тор кўчалари икки баробар кенгайтирилиб, кенг ва раvon магистрал йўллари, пидедалар учун йўлақлар барпо этишга киришилган.

Шундан сўнг эски шаҳардаги Зарқайнар ва Уйғур кўчалари, Хадра майдонини қайта таъмирланди. Фурқат, Қорасарой, Бешбўғоқ, Каттабўғоқ кўчаларида йўловчиларга қўлайликлар яратиб унунгана эмас, балки меъморий наъна обидаси сифатида замонавий кўприклар, ер ости ва усти ўтиш йўллари бунёд этилди.

Ахмад Дониш кўчасида 1151 метрли муваззам кўприк қурилди. Автомобиллар бир йўла олти қаторда ҳаракат қиладиган ишшоот хозир Эски шаҳарни Юнусобод ҳамда Чилонзор туманлари билан чамбарчас боғлаб турибди.

— Қарийб йигирма йилдан бунён юк машинаси ҳайдаман, — дейди биз билан суҳбатда Исроил Абдувалиев. — Тошкентда юк машинасини бошқариш нечоғли мушкул эканини яхши биласиз. Пойтахтнинг Сирғали туманидаги кўприк ишга туширилган, шаҳар ичига киришининг ҳождати қолмади. Катта Халқа йўли орқали бошқа вилоятларга тўғридан-тўғри ўтиб кетаверасиз. Қарабосизки, ҳайдовчиларнинг асаби ҳам, шаҳарнинг экологик иклими ҳам бузилмайдиган бўлди...

Дарҳақиқат, истиклолнинг илк кунлариданоқ Юртбошимиз замон талабларига тўлиқ жавоб берадиган автомобиль йўллари тармоғини барпо этиш, транспорт коммуникациялари тизимининг халқаро транзитига кенг интеграциялашувини таъминлаш ишларида алоҳида эътибор қаратди. Пойтахтимизда барпо этилган йўллари ўзаро боғловчи ва транспорт воситаларига қўлайлик яратувчи жаҳон андозасидаги муваззам кўприклар, кенг ва раvon йўллари, ерости ўтиш йўллари ана шу сибсат махсулидир. Энг муҳими, бу ишшоотлар санъат даражасида бунёд этилмоқда, улар йўловчиларга хизмат қилиб қолмай, гўзал шаҳаримиз чиройини очиб юбормоқда. Айниқса, кейинги ўн йилда йўлсоз ва кўприксоzларимиз катта тажриба ва юқори малакага таянган ҳолда, улугвор ва қўламли бунёдкорлик ишларини амалга оширдилар. Мана шу даврда бунёд этилган йўл ва кўприк ишшоотларини сарҳисоб қилиб кўрайлик. 1995 йилда Бобур кўчасидаги Бўриқарат ариги устидан 83 метр узунликдаги, 6 қатор транспорт ҳаракатига мўлжалланган кўприк қуриб битказилди. 1996 йилда эса Амир Темур ва Абдулла Қодирий кўчаларидаги автомобиль йўл ўтказишдаги фуқароларнинг асосий йўналишига боғлиқлигидаги узвийликни таъминлаб турибди.

Интернет тармоғидаги ахборотлар ниҳоятда ранг-баранглиги билан ўқувчи диққатини ўзига тортади. Ўтган ҳафтада «Project Syndicate» таҳририяти эълон қилган Доменик Муазининг «Демократия устуни нурамоқдами?» сарлавҳали мақоласига кўзим тушиб қолди. Доменик Муазин Франция Халқаро алоқалар институтининг асосчиси ва етакчи маслаҳатчиси. Айни пайтда Европа коллежи (Натолли, Варшава) профессори.

## «ДЕМОКРАТИЯ УСТУНИ» НУРАМОҚДАМИ?

Таниқли олим ўз мақоласида Американинг сибсатда гапи бошқа-ю, иши бошқа бўлаётганини таъкидлаган. «Pew Global Attitudes Survey» дастури доирасида сўров ўтказилган 15 мамлакатнинг 12 тасида Америка Қўшма Штатлари сибсатини қўллаб-қувватловчи фикрлар сезиларли даражада камайгани, унинг обрўси тушиб кетаётганини ўқитилади.

Собиқ совет иттифоқи барҳам топганидан бунён 15 йилдан ортиқ вақт ўтди. «Совуқ уруш» ниҳоясига етган, АҚШ ўзининг улкан қудрати туфайли қўлга киритган мавқеини халқаро микёсда янада кенгайтириши ва мустаҳкамлаши мумкин эди. Бироқ бир қатор сибсый ва шахсий сабабларга кўра, Билл Клинтон икки муддатта президентликка сайланган йиллар мобайнида бу имкониятлар бунён берилди, деб ёзади Д.Муазин.

Ҳақиқатан ҳам, бундай ноёб ва ўзига хос даврда Американинг янги вазифалари қандай бўлиши зарурлигини Билл Клинтон баёиорат қила олган. Лекин бу вазифаларни ҳаёбга чиқаришга у охилик қилди. Демократларнинг сайловдаги мағлубияти, сўнгра Моника Левински жоғроси АҚШ президентининг қўлини боғлаб қўйди.

Омадсизлик устига омадсизлик руй берди. 2000 йилда Фаластин ва Исроил ўртасидаги тинчлик битимини имзолашга ўртাকাшлик қилиш

Американинг қўлидан келмади. Ундан фарқли ўларок, Жорж Буш вақтини беҳуда кетказмади. У янада хавфли амалларга қўл урди ва сибсатини бутунлай қарама-қарши томонга буриб юборди. 11 сентябрь воқеалари эса Американинг ўзи ва дунёдаги мавқеи тўғрисидаги хаёлпарастликка асосланган тасавурларини янада кучайтирди.

Интернет саҳифаларидаги материаллар билан танишар экансиз, беихтиёр уйлаб қоласиз. Кейинги 10 йилликлар мобайнида Америка минглаб фильмлари билан эзгулик ва адолат машаълани кўтарган жарчи сифатида жаҳон афқор оммасига ўзини намойиш қилиб келди, ўзини бечора ва ёрдамга муҳтож кишиларнинг халоскори сифатида гаудалантиради. Гўё қаерда ёвуз куч бош кўтарса, «Америка қахрамони» ёрдамга ҳозир ва у, албатта, доим қолиб. Ҳаётда эса акси бўлди. Америка сибсатини да булар-бўлмага қурол кўтариш одадта айланди. Ҳар қандай улугъ қўлар, эзу ниятлар қурол кучи билан амалга оширилса, бу қандай озолик ва эзгулик бўлди? Америка қахрамони билан урушқок америка аскарларининг икки хил кўриниши ҳар қандай инсон тасавурида зиддиятли фикрларни уйғотиши аниқ. Ҳар қандай улугъ ният инсоннинг бехуда тўқилган бир томчи қонига арзимаиди.

Доменик Муазининг фикри-

## Қонун иждоқорлиги МУКАММАЛ ҚОНУНЛАР — ТАРАҚҚИЁТ КАФОЛАТИ

Шу йилнинг 9-10 июль кунлари Парламентимизнинг юқори палатаси — Олий Мажлис Сенатининг олтинчи ялли мажлиси бўлиб ўтди. Унда мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик, социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ислохотлар амалга ошириш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган йигирмата масала, шу жумладан, ўн битта қонун кўриб чиқилди. Сенат ваколатига киритилган барча масалалар қизгин муҳокама этилиб, улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамияти барпо этиш ва бозор ислохотларини янада чуқурлаштириш жараёнини қонунларсиз тасаввур этиш мушкул. Зеро, қонунлар ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятининг пойдевори ҳисобланади.

Шу ўринда қандай эшти жоизки, қонунини иждоқ этиш, яъни яратиш ўта масъулиятли, сөрқирра ва мураккаб жараёндр. Маълумки, қонун қўнига эга бўлган ҳар бир юридик қонда, яъни меъёрий ҳуқуқий ҳужжат муайян ижтимоий муносабатларни тартибга солишда қудратли кучга айланади.

Қонун чиқарувчи идоранинг зиммасидаги масъулият шундан иборат бўладики, у ижтимоий ҳаёт талабларидан келиб чиқиб, ҳал этилиши қўтилардан муаммолар ечимини топиши ҳамда уларни ҳуқуқий ҳужжат мазмунига сингдириши, қонун тилига муваффақиятли ифода этиши лозим.

Қонун яратишнинг мазмун-моҳиятида изчил, мукаммал ва барқарор қонунчилик тизимини яратиш муҳассамлашган бўлиб, бунда мутасадди ва ваколатли давлат идоралари, энг аввало, парламент ва қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга бўлган субъектлар мамлакат ҳаётининг ижтимоий сибсый, иқтисодий, маданият ва маънавий, мафқураури ва бошқа жаҳаларидаги ечимини топиш лозим бўлган масалаларни қонун даражасига кўтаришдек муҳим вазифаларини амалга ошириши зарур.

Қонун иждоқорлиги бир неча босқичдан иборат бўлгани бос қонун тайёрлаш маълум муддатга, зарурат бўлганда эса узокроқ парламентга ҳам қўзилиши мумкин. Миллий парламентимиз икки палата асосида фаолият кўрсатаётган хозирги даврда қонун иждоқорлиги жараёнида ҳам сезиларли ўзгаришлар руй бера бошлади. Бу эса ўз навбатида қонун иждоқорлиги билан боғлиқ янги қонунни тайёрлаш заруратини юзага келтирди.

Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2005

Tahlil va saboq

## ҲАР ИШДА ҚОНУН — МЕЗОН!

Мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш ва уни ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиш самарадорлигини ошириш, тадбиркорлик субъектлари ва хусусий мулк эгалари, хорижий инвесторларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, ҳўжалик юритувчи субъектларни ташкил этиш ҳамда рўйхатга олиш жараёнини соддалаштириш, шартномавий интизомни мустаҳкамлашга қаратилган кўлаб ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар ишлаб чиқилди ва амалга оширилмоқда.

Навоий вилоят адлия бошқармасига жорий йилнинг ўтган даври мобайнида фуқаролардан 385 та ариза, шикоят, талаб ҳамда таклифлар келиб тушди.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, мурожаатларнинг 113 таси кичик ва ўрта бизнес субъектларидан бўлиб, шундан 79 таси қишлоқда мулкдорлар тоифаси саналган фермерлардандир. Қўшимча ўрганишни талаб қилмаган 192 та мурожаатга ўн беш кунлик, 144 тасига эса бир ойлик

муддатда жавоб берилди. Фуқаролар томонидан қилинган мурожаатлардан 336 таси қаноатлантирилди.

Ўтган олти ой мобайнида адлия бошқармаси томонидан ўтказилган тегиришлар асосида жами 1 миллиард 806 миллион 245 минг 994 сўм микдордаги маблағни қонуний эгаларига ундириб бериш учун судларга 557 та даъво ариза киритилди. Даъво аризаларининг 439 таси судлар томонидан кўриб чиқилиб, қаноатлантирилди. Бюрократлик, сансо-

ларлик, ўзибўларчилик кайфияти туфайли ҳўжалик юритувчи субъектлар, тадбиркорларга етказилган моддий-маънавий зарар, бой берилган фондани бевосита айбдор мансабдор шахслар ҳамандан ундириш ва шу орқали фуқаролардан қонунларимизга нисбатан ишончли янада кучайтиришга алоҳида эътибор қилинмоқда.

Ўтган вақт ичида суд тартибидан 316 нафар мансабдор шахс чўнтағидан 2 миллион 570 минг сўм микдорда моддий-маънавий зарар ундирилгани ҳам бу фикрнинг исботидир.

Бундан ташқари, бошқарув ва назорат идораларига йўл қўйилган камчиликларни бартафоз этишга қаратилган, ўн беш кунлик муддатда ба-жариллиши мажбурий бўлган 128 та тақдимнома, 70 та оғонома киритилди. 120 нафар мансабдор шахс интизомий, 16 нафари эса маъму-

рий жавобгарликка тортилди. 7 нафари эгаллаб турган вазифасидан озод қилинди.

Шу ўринда бевосита мисолларга мурожаат қилсак, Навбахор туманида мониторинг ўтказилганда туман архитектура ва қурилиш бўлими бошлиғи Ф.Пирназаров қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйгани аниқланди. Гап шундаки, Учтўт маҳалласида яшовчи фуқаро Ш.Жумаева 2005 йилнинг 21 октябрида туман ҳокими номига тадбиркорлик билан шуғулланиш учун дўкон қуришга рухсат сўраб, ариза билан мурожаат қилган. Аммо тадбиркорнинг аризасига 2005 йилнинг 2 декабрида жавоб берилган. Шунингдек, фуқаро Н.Раҳмагуллаевнинг аризасини кўриб чиқиш муддати ҳам Ф.Пирназаровнинг масъулиятсизлиги бос қўзиб юборилган.

(Давоми иккинчи бетда)

(Давоми учинчи бетда)

Мустақиллигимизнинг 15 йиллиги олдидан

ЙўЛЛАР ВА КЎПРИКЛАР — ОНА ЮРТ КЎРКИ

(Давоми. Боши биринчи бетда)

Кичик халқа йўлининг эни 32 метр, унда бириёла саккиз қатор машина эмин-эркин ҳаракат қилади. Йўловчилар бирон-бир жойда уни кесиб ўтмайди, чунки бунга ҳожат йўқ. Хайдовчи учун ҳам, йўловчи учун ҳам барча қулайлик яратилган. Шу мақсадда тўққизта йирик замонавий кўприк қурилиши кўзда тутилган.



Магистралнинг Буюк ипак йўли билан кесишган жойда 77 метр узунликдаги автомобиль йўл ўтказгичи барпо этилди. Унинг Усмон Носир, Мирмахмуд Мусахонов, Хидирали Эргашев, Паркент ва Фарход кўчалари билан кесишган ўринларида ҳам худди шундай йўл ўтказгичлар қурилиб, ишга туширилди. Кайковус ва Салор каналларининг кўприкларини қайта тавмирланди. Қатор кўчаларда йўловчилар учун ер ости ўтиш йўллари бунёд этилди.

Генерал Узоқов кўчасининг Уйғур кўчаси билан кесишган қисмида автомобиль йўл ўтказгичи барпо этилди. 2005 йил Катта халқа йўлининг олтиш биринчи километрга улкан кўприк бунёд этилган, транзит юк ташишининг самардорлиги янада ортди. Бинобарин, шахримиздаги тўққизта туманни ўз ичига қамраб оладиган, 32,2 км узунликдаги Кичик халқа

йўли бўйлаб ҳам мисли кўрилмаган қурилиш, тавмирлаш ва реконструкция ишлари амалга оширилди. Мазкур худудга қарашли Амир Темур шоҳқўчасида Фаргона йўли кўчасига бўлган янги йўл ҳамда тўртта кўприк, Авлиё ота кўчасидан Бобур кўчасига ва Хамза Умаров кўчасидан Усмон Носир кўчасига бўлган янги йўл, Усмон Носир-Фарход кўчаси

чорраҳасидаги узунлиги 400 метр бўлган муаззам кўприк, Жанубий вокзалдан Уйғур кўчасигача бўлган кенг ва раво йўл ҳамда Улуғбек-Уйғур кўчасида барпо этилган кўприк шарафда транспорт қатнови мўтадиллаштиришга замин яратди. Даставвал, Гавхар ва Хоразмий кўчасини ўзаро боғловчи муаззам кўприк ва унинг теграсида тасмадек

көнгайтирилди, замонавий талаб даражасида тавмирланди, бу халқнинг кўнглидаги иш бўлди.

Бугун Тошкент кўчалари бўйлаб сайр этган одам ҳар қадамда мана шундай файзу тароватдан баҳраманд бўлади. Халқлар дўстлиги шоҳқўчасидан Навоий шоҳқўчасига олиб чиқувчи сертармоқ йўллари, мазкур кўчаларнинг ўзида амалга оширилган кенг қўламли тавмирлаш ва йўл қуриш ишларини бир кўз олдингизга келтиринг. Уларнинг тўқсонинчи йиллардаги ҳолатини хаёлингиздан ўтказинг.

Ўртбошимиз раҳбарлигида олиб борилаётган бунёдкорлик ишларини амалга оширишда «Тошшаҳар-Йўловчиқурилиш» трести, «Кўприкқурилиш» трести, «Узавтйўл» ДАК, «Тошметроқурилиш» трести йўл ва кўприк қурувчиларининг меҳнатлари бекибсидир.

Мустақиллигимизнинг 15 йиллик тўйи арафасида ҳам Фарход кўчаси ва Халқлар дўстлиги шоҳқўчаси чорраҳасида 400 метр узунликдаги кўприкни фойдаланишга топшириш кўзда тутилган. Ана шу эзгу мақсад йўлида 13-кўприкқурилиш отряди ва «Автомагистрал» иختисослашган йўл қурилиш ва тавмирлаш бирамаси ишчилари кеча-кундуз тиним билмай ер тўкавтирлар.

— Тўғга тўёна билан бориш халқимизнинг азалий одати, — дейди биз билан суҳбатда 13-кўприкқурилиш отрядининг бош му-

ҳандиси ўринбосари Қобил Алихожаев. — Ана шу аниқлик билан қилган ҳолда янги кўприк бунёд этмоқдамиз. У шаҳардаги қатновнинг янада энгиллаштиришга хизмат қилади. Бир вақтнинг ўзида кўприкнинг остида ҳам, устида ҳам автомобиллар ҳаракат қилиш имкони туғилади. Аини кунларда жамоамиз ишчилари бир ёқадан бош чиқариб, ғайрат ва шижоат билан меҳнат қилишаётир. Қурилиш отряди бошлиғи А. Юсупов барча ишларга бошқуш. О. Тўлаганов, Ю. Шадринцев, Н. Рудаков сингари ишчилар алоҳида жонбозлик кўрсатишмоқда.

Дарҳақиқат, кейинги йилларда пойтахтимизда юзлаб километр янги йўللар қурилади ва аскилар тавмирланди, муаззам кўприклар барпо этилди. Кўплаб автомобиль йўл ўтказгичи ва йўловчиларнинг ер ости ўтиш йўллари қуриб, ишга туширилди. Шу билан бирга, метронинг учинчи навбати — Юнусобод йўналиши иш бошлади. Ҳозир биргина мана шу йўналиш ҳар кун 40 минг йўловчига хизмат кўрсатмоқда. Бундай бунёдкорлик бутун мамлакатимиз миқёсида давом этмоқда. Тасаввур қилинг, биз юқорида тилга олган иншоотлар қанчадан-қанча ҳақиқатларимизнинг узогини яқин, оғирини энгил қилмоқда.

Айтишларича, йўлда ётган тошни бир четга олиб қўйган инсон гуноҳидан фориғ бўлар экан. Инчунин, Мустақил юртимизнинг олтин камари бўлган йўл ва кўприкларни бунёд этаётган йўлсоз ва кўприкқурувчи меҳнатлари катта таъсирга эришган сазовордир. Дилфуза РАҲИМБЕКОВА, журналист

Muloqot

ИШОНЧНОМА КИМЛАРГА БЕРИЛАДИ?

Мен кўпинча болаларим учун бериладиган нафақа пулини олишга имкон топа олмайман. Бу нафақа пулини олиш тўғрисида синглимга ишонч хати ёзиб берсам бўладими? Умуман, ишонч хати кимларга ва қандай ҳолатда берилади? Шу ҳақида маълумот берсангиз.

К.ЗИЁДУЛЛАЕВА, Урғут тумани

— Сиз болаларга тўланадиган нафақа пулини олиш учун синглингизга ишончнома ёзиб беришингиз мумкин. Ишончнома ҳақида Фуқаролик кодексининг 134-моддада шундай дейилган: «Бир шахс (ишонч билдирувчи) томонидан иккинчи шахсга (ишончли вақилга) учинчи шахслар олдида вақиллик қилиш учун берилган ёзма ваколат ишончнома ҳисобланади. Ишончли вақил фақатгина ўзига ишончнома билан берилган ваколатлар доирасида иш олиб боради.

ри томонидан тасдиқланган ишончномалар; ҳарбий хизматчилар, ҳарбий қисм қўшилмалари, муассасалар ҳамда ҳарбий ўқув юртлир жойлаштирилган, нотариал идоралар ва нотариал ҳаракатларни амалга оширувчи бошқа идоралар бўлмаган пунктларда эса ишчи ва хизматчилар, уларнинг оилалари ҳарбий хизматчилар оила аъзоларининг шу қисм, қўшилма, муассаса ва ўқув юртлир командири (бошлиқлари) томонидан тасдиқланган ишончномалар;

Юридик шахс номидан юридик шахсга ҳам ишончнома фақат юридик шахс устидан (Низомда) қўрсатилган фаолият мақсадларида эйд бўлмаган битимларни тузиш учун берилиши мумкин. Кодекснинг 135-моддасида ишончноманинг шакли ҳақида суз юритилган бўлиб, ишончнома оддий ёзма шаклда ёки нотариал шаклда расмийлаштирилади.

жазо ўташ жойларида бўлган ёки қамоқда сақланаётган шахсларнинг тегишли муассасалар бошлиқлари томонидан тасдиқланган ишончномалар кирати.

Нотариал шакл талаб қилувчи битимларни тузиш ёки бўлмаса, юридик шахсларга нисбатан ҳаракатларни амалга ошириш учун берилган ишончнома нотариал идоралар томонидан тасдиқланган бўлиши керак.

Шунингдек, Фуқаролик кодексидан нотариал идоралар томонидан тасдиқланган ишончномаларга тенглаштирилган ишончномалар ҳақида ҳам суз юритилган. Яъни кодекснинг 136-моддасида таъкидланишича, қуйидагилар нотариус тасдиқлаган ишончномаларга тенглаштирилади:

госпиталларда, санаторийларда ва бошқа ҳарбий даволаш муассасаларида даволанаётган ҳарбий хизматчилар ҳамда бошқа шахслар, шу муассасаларнинг бошлиқлари, уларнинг тиббий қисми бўйича ўринбосарлари, катта ва навбатчи шифокорлар.

Ишончнома кўпи билан уч йил муддатга берилади.

Tahlil va saboq

(Давоми. Боши биринчи бетда)

Қисқаси, юқоридаги қонунбузилишларига йўл қўйгани учун Ф.Пирназаровни маъмурий жавобгарликка тортиш юзасидан вилоят прокуратурасига тақлиф киритилди. Ҳозирги кунда вилоят прокуратураси томонидан маъмурий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатилиб, жиноят ишлари бўйича Навбахор туман судига кўриб чиқиш учун юборилди. Шу йилнинг 24 апрелида суд ҳуқуқбузар Ф.Пирназаровдан давлат фойдасига «Маъмурий жавобгарлик тўғрисида»ги кодекснинг 43-моддаси билан жазома ундириди.

ҲАР ИШДА ҚОНУН —

МВЗОН!



нинг қарори билан тасдиқланган «Ер участкаларини фермер хўжалиқларига узок муддатли ижарага бериш тўғрисида»ги ҳамда Кишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг 2005 йил 18 ноябрдаги 237а-сонли буйруғи билан тасдиқланган ва Адлия вазирлиги томонидан 1523-сон билан 2005 йил 19 ноябрда давлат рўйхатидан

ўтказилган «Фермер хўжалиғи юритиш учун ер участкаларини беришда танлов голибини аниқлаш тартиби тўғрисида»ги Низомлар асосида ер деҳқонликка мўхай қўриб, ерни, меҳнатни севадиган ҳақиқий фойдаланувчиларга берилиши керак. Ерни ҳақиқий эгасига беришнинг ягона йўли юқоридики қайд

этилган низомлар талабларига қатъий риоя қилишда ўз ифодасини топади. Бу масалада ошқоралик биринчи ўринда туради. Чунки танлов ўтказилиши лозим бўлган ер майдони ҳақида маҳаллий матбуот нашри ёки оммавий ахборот воситаларида эълон берилиши керак. Эълонда ер участкасининг ўлчами, жойлашган жойи, сифати ва бошқа таснифлари, ташкил этилаётган фермер хўжалигининг мўлжалланаётган иختисослашуви, танловнинг ўтказилиш вақти ва жойи кўрсатилади. Бундай эълонлар шу худуддаги жамоат биноларига осиб қўйилса, янада яхши. Танловда талабдорларнинг кўп бўлиши улар орасидан ернинг ҳақиқий эгасини танлашни осонлантиради.

Энди масалага қайтадиган бўлсак, захира ер фондида қирувчи 476-лоийҳадаги 19,3 гектар ер майдони учун танлов ўтказиш тўғрисида туман ҳокимининг қарори чиқмаган. Танлов ўтказилиши, жойи, кунни ҳақида эълон берилмаган. Захира ерга «Сирожиддин Баходир саховати» фермер хўжалиғи раҳбари Б.Эшимов, фуқаролардан Ж.Сафаров, Н.Остоновлар талабгор бўлишган. Улар бу ҳақда ширкат хўжалиғи қайта ташкил этиш комиссияси раиси С.Носиров номига ариза беришган. Бироқ аризалар тегишли махсус дафтарда рўйхатдан ўтказилмаган. С.Носиров бошчилигида комиссия

аъзолари шу йилнинг 27 февралда 14-сонли баённомасини расмийлаштиришган. Унда «Сирожиддин Баходир саховати» фермер хўжалиғи раҳбари Б.Эшимов танлов голиби деб эълон қилинган.

Ушбу танлов баённомасига асосан 2006 йилнинг 28 февралда 467-лоийҳадаги 19,3 гектар ер майдонини «Сирожиддин Баходир саховати» фермер хўжалиғига узок муддатда ижарага бериш тўғрисида туман ҳокимининг 625-сонли қарори чиқди. 2006 йилнинг 14 апрелида эса туман ҳокимининг ушбу қарори вилоят ҳокимининг 92-сонли қарори билан тасдиқланди. Б.Эшимовга шу тариха имконият яратилгани сабаб у пинҳона равишда ернинг эгасига айланади.

Фуқаролик ишлари бўйича Кармана туманлараро суди адлия бошқармасининг даъво аризасини қўриб чиқди. Ширкат хўжалиғи қайта ташкил этиш комиссиясининг талабгор «Сирожиддин Баходир саховати» фермер хўжалиғи раиси Б.Эшимовга ер ажартиш тўғрисидаги 14-сонли танлов баённомаси, туман ҳокимининг 625-сонли, вилоят ҳокимининг 92-сонли қарорларининг тегишли қисмларини бекор қилди.

Юқоридагилардан келиб чиқадиган ҳулоса шуки, мамлакатимизда ҳеч кимга ортиқча имконият, ҳуқуқ берилмаган. Ҳеч бир соҳа қонун доирасидан четда эмас. Қонунларга амал қилмаслик, ўзгалар кўзини шамғалат қилишга уриниш юзашувулликдан бошқа нарса олиб келмайди.

Азамат ХОЛМЎМИНОВ, Навоий вилояти адлия бошқармаси бошлиғи

SHartnoma qonunchiligi LAФЗСИЗЛИК

Икки томонга ҳам зиён келтиради



Халқимизда: «Ҳолва деган билан оғиз чучинайди», деган гап бор. Жойларда айрим раҳбарлар ҳаётнинг ушбу ҳаққаллоқ толаси маъсулиятни билмаганликка олишади. Акс ҳолда, «Нукуссталмонтаж» маъсулиятни чекланган жамияти мутасаддилари ўзлари тушишган аҳволдан муззам бўлиб қолшмасади.

Куруқ ваъда билан қоринни тўйгазиб бўлмайди. Қолаверса, Фуқаролик кодексининг 236-моддасида, қонун ҳужжатларида ижара шартномаси мажбуриятлари лозим даражада бажарилиши шартлиги қайд этилган. Қарз суммасининг ҳар бир кечиктирилган кунини учун 0,5 фоиз ҳажмида устама ундирилиши ҳам таъкидланган. «Нукуссталмонтаж» маъсулиятни чекланган жамияти қарзи микдоридан келиб чиқилса, бу жарима 2.300.000 сўмини ташкил қилади.

Шуларни инобатга олган ҳолда, Қорақалпоғистон Республикаси хўжалиқ суди «Нукуссталмонтаж» ҳисобидан «Қорақалпоқ толаси» маъсулиятни чекланган жамияти фойдасига 7.722.870 сўмлик асосий қарз ва 2.300.000 сўм микдорда устама ундириши ҳақида хал қилув қарори қабул қилди.

Нукус шаҳридаги «Мусаев Косберг» ва «Деҳқонсодақурилиш» маъсулиятни чекланган жамиятлари ўртасидаги ҳамкорликда ҳам худди шундай ҳол юз берди. Ҳар иккала томон имзоланган шартномага кўра, «Мусаев Косберг» маъсулиятни чекланган жамияти ҳамкорига 5.354.459 сўмлик автотранспорт хизмати кўрсатган. Бироқ бунга жавобан «Деҳқонсодақурилиш» маъсулиятни чекланган жамияти маъсуллари лафазсизлик қилиб, хизмат ҳақини қайтармаган.

Қорақалпоғистон Республикаси хўжалиқ суди «Мусаев Косберг» ва «Деҳқонсодақурилиш» маъсулиятни чекланган жамиятлари ўртасидаги ҳамкорликда ҳам худди шундай ҳол юз берди. Ҳар иккала томон имзоланган шартномага кўра, «Мусаев Косберг» маъсулиятни чекланган жамияти ҳамкорига 5.354.459 сўмлик автотранспорт хизмати кўрсатган. Бироқ бунга жавобан «Деҳқонсодақурилиш» маъсулиятни чекланган жамияти маъсуллари лафазсизлик қилиб, хизмат ҳақини қайтармаган.

Қорақалпоғистон Республикаси хўжалиқ суди «Мусаев Косберг» ва «Деҳқонсодақурилиш» маъсулиятни чекланган жамиятлари ўртасидаги ҳамкорликда ҳам худди шундай ҳол юз берди.

Сайлов МАМБЕТҚОДИРОВ, хўжалиқ суди раиси, «Иносон ва қонун» мухбири

Xabar

Қонунга амал қилган кишининг умр йўли турли муаммолардан холи бўладики, буни ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди. Қонуларга амал қилиш эса, албатта, уларни билишдан, тушунишдан бошланади. Бу борада қонулар тарғиботини кўнгилдагидек ташкил этиш, аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини оширишдек долзарб вазифани амалга ошириш адлия идоралари фаолиятда муҳим ўрин эгаллайди.

ҲУҚУҚИЙ ТАРҒИБОТ

Хоразм вилояти адлия бошқармаси ташаббуси билан ташкил этилган кенг қўламли тадбирларда суд, прокуратура, ички ишлар, ФХД ва нотариал идораларнинг ходимлари, ҳуқуқшунос олимлар, тадқиқотчилар фаол иштирок этишаётир. Хусусан, вилоят адлия бошқармасида ўтказилган дастлабки семинар машғулотига долзарб мавзу — фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловга доир қонун ҳужжатлари ҳар жиҳатдан тушунирилди. Тадбирда мамлакатимизда маҳаллий ўзини-ўзи бошқаришининг миллий урф-одатларимизга хос шарҳона ва замонавий усули яратилгани алоҳида таъкидланди. Дарҳақиқат, 1999 йилда қабул қилинган «Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш идоралари тўғрисида»ги ва 2004 йил қабул қилинган «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги қонунлар мамлакатимизда фуқаролик жамиятини қарор тоғдиришда муҳим аҳамият касб этади ва бу максаднинг ҳуқуқий жиҳатларини тўла-тўқис ўзида акс эттириди. Галдаги вазифа ушбу фуқаролик институтлари фаолиятини ишончли тарзда қафолатлашдан иборатдир. Бу соҳага доир қонун ижодкорлигининг навбатдаги қадами «Маҳалла тўғрисида»ги янги қонунни тайёрлаш ва қабул қилишга томон ташланса, янги мундоаб бўлар эди. Аини пайтда тўпланган тажриба ва ютуқлар омили тадқиқотчилар эътиборидан четда қолмаслиги даркор. Зотан, ушбу ибратли тажриба замирида ҳуқуқшунослик фанининг фуқаролик жамияти қурилишига доир янги мавзу юзга келди. Эндиликда уни тегишли ўқув юртлирда ўқитишни кенг йўлга қўйиш даркор.

Ҳозир вилоятда жами 675 та фуқаролар йиғинлари шаклида ўзини-ўзи бошқариш идоралари фаолият юритаётир. Уларнинг 101 таси қишлоқ, 7 таси шаҳарча, 567 таси маҳалла мақомида фаолият кўрсатмоқда.

ТАБИАТ ҚОНУН ҲИМОЯСИДА

Оила аъзоларим билан дам олишга борган эдик. Ростини айтганда, айрим дам олувчиларнинг табиатга нисбатан шафқатсизларча муносабатини кўриб, кўнглим ранжиди. Айтинг-чи, табиатга нисбатан шундай шафқатсиз муносабатда бўлган кимсаларга қонун бўйича қандай жазо қўлланилади?

Б.МАМАДАЛИЕВ, Самарқанд шаҳри

— Дам олишга чиқиб, атроф-муҳитни ифлос қилган ва табиатга зарар етказган шахсларга нисбатан маъмурий ва жиноий жавобгарлик масаласи қўрилади. Жумладан, Жиноят кодексининг 196-моддасида атроф-табиат муҳитини ифлослантиришга учун жиноий жавобгарлик ҳақида суз юритилган бўлиб, ушбу моддага мувофиқ: «Ерларни ифлослантириш ёки бузиш, сув ёки атмосфера ҳавосини иф-

лослантириш одамларнинг оммавий равишда касалланиши, ҳайвонлар, паррандалар ёки бақиларнинг қирилиши кетиши ёки бошқа афғир оқибатларга сабаб бўлса, — энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан икки юз бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

ИСТЕЪМОЛЧИ ҲУҚУҚЛАРИ ДАХЛСИЗ

Сотувчи менга сотилаётган товари ҳақида нотўғри маълумот берган экан. Натимжада анча зарар кўрдим. Айтинг-чи, бу борада менинг ҳуқуқларим қандай ҳимоя қилинади?

А. ҒОҒУРОВ, Қарши шаҳри

«Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги 1996 йил 26 апрелдаги қонуннинг 7-моддасига кўра: «Агар товар (иш, хизмат) ҳақида нотўғри ёки етарли даражада тўлиқ бўлмаган маълумот берилганлиги; зарур истеъмол хоссаларига эга бўлмаган товар (иш, хизмат) сотиб олинган, истеъмолчи шартномани бекор қилишга ва ўзига етказилган зарарнинг қопланишини талаб қилишга ҳақлидир; сотиб олинган товар (иш, хизмат)дан қўзланган мақсадда фойдалана олмаслиқ сабаб бўлса, истеъмолчи ўзи учун тегишли маълумотни қисқа (кўпи билан уч кунлик) муддатда берилишини талаб қилишга ҳақлидир. Агар маълумот айтилган муддатда берилмаса, истеъмолчи шартномани бекор қилиб, зарарнинг қоплани-

шини талаб қилишга ҳақлидир; Истеъмолчи ҳаётини, соғлиғига ёхуд мол-мулкига зарар етказилишига сабаб бўлса, у ишлаб чиқарувчи (ижорачи, сотувчи) олдида қонун ҳужжатларида назарда тутилган талабларни қўйишга ҳақли.

Истеъмолчининг товар (иш, хизмат) ҳақидаги нотўғри ёки етарли даражада тўлиқ бўлмаган маълумот олиши қўрган зарарларини қоплаш талаблари сотиб олинган товар (иш, хизмат)нинг хоссалари ва жиҳатлари ҳақида истеъмолчи махсус билimgа эга эмас, деган тахминга асосланиб қараб чиқилади. Нотўғри реклама оқибатида сотиб олинган товар (иш, хизмат) тўғрисида истеъмолчи етказилган зарар ишлаб чиқарувчи (ижорачи, сотувчи) томонидан тўлиқ ҳажмида қопланиши лозим.

Саволларга ТДЮН катта ўқитувчиси Саломат НИЕЗОВА жавоб бериди.

Ўз мухбиримиз



